

Мусиқа асбоблари

АҲМАД ОДИЛОВ, АНВАР ЛУТФУЛЛАЕВ



Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

Тошкент - 2002

АҲМАД ОДИЛОВ, АНВАР ЛУТФУЛЛАЕВ

БОЛИГИ
02-0

ЧАНГ

Мусиқа ва санъат колледжлари ҳамда лицейлари учун дарслик

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги

Ўрта маҳсус касб-хунар таълими маркази Ўрта маҳсус

касб-хунар таълимими ривожлантириши институти


нашрга тавсия этган



Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

Тошкент – 2002

08-0081108624 Б-О



85.315.3
0-29

Махсус муҳаррир: М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг доценти
Нуғмон ШАРИПОВ

Тақризчилар: Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртининг катта ўқитувчиси
Сотоволди КАРИМОВ

Глиэр номидаги Республика ўрта махсус мусиқа мактаб-интернатининг
ўқитувчиси Бахтиёр АБДУРАҲМОНОВ



Одилов Аҳмад, Лутфуллаев Анвар. Чанг: Мусиқа ва санъат коллажлари ҳамда лицейлари учун дарслик
(Махсус муҳаррир: Н.Шарипов).—Т.: F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 2002. — 112 б.
I. Муаллифдош.

Ушбу қўлланма мусиқа ва санъат коллажлари ҳамда лицейлари ўқувчиларига чанг чолғусида ижро этишни ўрганиш
бўйича асосий дарсликдир. Дарсликнинг биринчи қисмида чангда товуш чиқариш йўлларини, ижро услубларини
ўзлаштиришга қаратилган методик кўрсатмалар ёритилган. Иккинчи асосий қисмида эса чанг чолғуси учун
мослаштирилган хилма-хил мусиқий асарлар берилган.

ББК 85.315.3я722

О-Л 4306011800-96
М 352(04)-2002 қатъий буюртма, 2002

ISBN 5-635-02084-4

© Аҳмад Одилов, Анвар Лутфуллаев,
Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва
санъат нашриёти, 2002 й.

МУАЛЛИФЛАРДАН

Такомиллаштирилган ва анъанавий халқ чолгулари ҳозирги кунда ўзбек ҳалқининг мусиқий ҳаётида мустаҳкам ўрин эгаллаб бормоқда. Клуб, корхона ва ҳўжалик жамоалари маданият саройларида, шунингдек, мусиқа ва санъат коллежларида такомиллаштирилган миллий чолгулари оркестри ва ансамбллари ташкил этилди.

Мухтор Ашрафий номли Тошкент давлат консерваториясида Ўзбек миллий чолгулари куллиёти ва кафедраси ташкил этилган бўлиб, жумхуриятнинг барча мусиқа ва санъат коллежларида ҳам шундай чолгулар бўлимлари ва чолгулар ижро этишни ўргатиш синфлари мавжуд.

Булар учун бир қатор дарсликлар, қўлланмалар ва бадиий мусиқий репертуарлар яратилган.

Мазкур «Чанг» дарслиги чанг чалишни ўрганиш учун асосий қўлланмадир. Дарсликда чангнинг такомиллаштирилиши тўғрисидаги баъзи маълумотлар ҳамда ижрочиликнинг анъанавий услублари билан бир қаторда, чангнинг техник имкониятлари ва таъсир кучини бирмунча бойитувчи баъзи янги чалиш услублари ҳам келтирилган.

Дарсликда бошлангич мусиқа назарияси ҳақида маълумотлар ҳамда унча мураккаб бўлмаган мусиқа асарлари берилганлиги сабабли ундан чанг чалишни ўрганаётган ҳаваскорлар ҳам фойдалана оладилар.

Дарсликни ёзишда Мухтор Ашрафий номли Тошкент давлат консерваторияси ва Ҳамза номли мусиқа билим ютидаги кўп йиллик педагогик тажрибаларимизни, шунингдек, чанг устида олиб борилган давомли илмий-текшириш ишларимизни дарсликни ёзишда асос қилиб олдик.

«Чанг» дарслиги икки қисмдан иборат:

Биринчи қисмда чангни такомиллаштириш тарихи, унинг тузилиши, созланиши, мусиқа назарияси ҳақида қисқача маълумотлар ва чанг чалиш услубларини ўрганиш борасида методик курсатмалар берилган;

Иккинчи қисм чанг учун мослаштирилган ўзбек халқ мусиқаси, бастакорлик ижоди ва бошқа турли мусиқа асарларидан иборатdir.


Дарсликдаги мусиқа асарларини танлашда уларнинг қулайлиги ва мураккаблик даражаси назарда тутилган.

«Чанг» дарслиги асосан, мусиқа ва санъат коллежлари ҳамда лицейларининг ўқувчилари учун мулжалланган.


БИРИНЧИ ҚИСМ

МУСИҚА НАЗАРИЯСИ ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТЛАР

Мусиқа – оҳанглардан иборат бўлиб, у қўйидаги хислатларга: паст-баландлик, чўзим, куч ва тембрга эга. Мусиқа товушларини ёзишда нота деб аталувчи маҳсус белгилардан фойдаланилади. Қора нуқта ёки думалоқ шаклдаги белги (нота)ларга ҳар хил штилларни улаш билан товушнинг фақат чўзилишигина ифода этилади. Товушнинг баланд-пастлигини ифода этиш учун эса бу белгилар нота чизиқларига (нота йўлига) ёзилади. Нота йўли бир-бирига ёндош турган бешта горизонтал параллел чизиқдан иборат бўлиб, уларнинг орасига ва устига ноталар ёзилади.



Баландроқ ёки пастроқ бўлган товушларни нота йўлига ёзишда қўшимча чизиқлардан фойдаланилади. Бу қўшимча чизиқлар нота йўлининг устига (баланд товушлар учун) ва нота йўлининг остига (паст товушлар учун) ёзилади. Қўшимча чизиқлар нота йўлидан юқорига ва пастга қараб, нота йўли эса пастдан юқорига қараб саналади.




Чизиқлар ноталарнинг баланд ёки пастлигини аниқлашга имкон беради, шунга кўра товушларнинг баланд-пастлиги ҳам белгиланади.

Мусиқада ҳар хил баландликка эга бўлган юздан ортиқ товуш бор. Мусиқадаги мана шу тизим, яъни товушқаторлар оқтаваларга бўлинади. Оқтаваларнинг ҳар қайсиси 12 товушдан иборат бўлиб, улардан еттитаси ўзининг асосий номига эга: «ДО, РЕ, МИ, ФА, СОЛЬ, ЛЯ, СИ».


Асосий товушларнинг бу номлари ҳар бир оқтавада қайтарилади. Бир оқтавадаги товушларнинг номи бошқа оқтавадаги товушларнинг номларига ўхшаса ҳам, лекин уларнинг баланд-пастлиги бирдай эмас. Оқтавалар пастдан баландлигига қараб қўйидагича бўлинади: субконтрклава (тўлиқсиз), контроклава, катта оқтава, кичик оқтава, биринчи оқтава, иккинчи оқтава, учинчи оқтава, тўртинчи оқтава ва энг баланд оқтава ҳисобланган бешинчи (тўлиқсиз) оқтавалардир.

Нота йўлига ёзилган белги аниқ бир товушни кўрсатиб бериши учун нота чизигининг бошига маҳсус белги – калит қўйилади. Ижрочилик амалиётида чанг учун нота ёзуви скрипка (СОЛЬ) калитида ёзилиши қабул қилинган.



СОЛЬ биринчи оқтава

Бу калитнинг ўрта гажаги асосий иккинчи чизиқни ўраган бўлиб, у чизиқга биринчи оқтаванинг СОЛЬ товуши ёзилишини кўрсатади. Товуш ва оқтаваларнинг номи ҳамда тартибини билганимиз ҳолда биринчи оқтавадаги СОЛЬ нотасига қараб, қолган ноталарнинг номлари ва баланд-пастлигини ҳам аниқлашимиз мумкин.



СОЛЬ ЛЯ СИ ДО РЕ МИ ФА СОЛЬ ЛЯ СИ ДО РЕ МИ ФА СОЛЬ

Ҳозирги замон мусиқа амалиётида қабул этилган, темперация қилинган хроматик товушқаторнинг товушлари маълум оралиққа эга бўлиб, булар тон ва ярим тонлар миқдори билан аниқланган, ярим тон энг қисқа оралиқ деб қабул қилинган.

Бир-бирига ёндош бўлган ДО, РЕ, МИ, ФА, СОЛЬ, ЛЯ, СИ, ДО асосий товушларнинг оралиғи куйидагичадир:

1т. 1т. 0,5 т. 1т. 1т. 1т. 0,5 т.

Шундай қилиб, бу мисолдан куриниб турибдики, МИ – ФА ва СИ – ДО товушлари ўртасидаги оралиқ ярим тонга, қолган ДО – РЕ, РЕ – МИ, ФА – СОЛЬ, СОЛЬ – ЛЯ ва ЛЯ – СИ товушлари ўртасидаги оралиқлар эса бир тонга ёки иккита ярим тонга тенг.

Юқорида айтилгандек, товушлар ўртасидаги энг қисқа масофа ярим тонга тенг экан, бинобарин, бутун тонлик масофа оралиғида биттадан қўшимча товуш бўлади. Бу товушларнинг ўз номи бўлмагани учун улар икки томондаги асосий товушларнинг номлари билан юритилади.

Бундай оралиқ товушларини юзага келтириш учун асосий товушни ярим тон, бир тонга кўтариш ёки пасайтириш керак бўлади. Шундай ҳолларда диез, bemol, dubль-диез, dubль-bemol ва bekar белгилари кўлланилади. Бу белгилар альтерация белгилари деб аталади.

ДО РЕ МИ ФА СОЛЬ ЛЯ СИ ДО

ДО-диез
ёки РЕ-бемоль

РЕ-диез
ёки МИ-бемоль

ФА-диез
ёки СОЛЬ-бемоль

СОЛЬ-диез
ёки ЛЯ-бемоль

ЛЯ-диез
ёки СИ-бемоль

1т. 1т. 0,5 т. 1т. 1т. 1т. 0,5 т.

ДОГ РЕГ МИГ ФАГ СОЛЬГ ЛЯГ СИГ ДОГ

1. # – диез белгиси нотанинг олдида турса, товушнинг ярим тон (парда) кўтарилигини курсатади.

2. ♭ – bemol белгиси нотанинг олдида турса, товушнинг ярим тон пасайганини курсатади.

Товушларнинг ярим тон кўтарилиши ёки пасайтирилишини билдирувчи бу белгилардан ташқари товушларни бир тон кўтарувчи ёки бир тон пасайтирувчи белгилар ҳам бўлади.

3. x (ёки ##) – dubль-диез белгиси нотанинг олдида турса, товушнинг бир тон кўтарилигини курсатади.

4. ♯ – dubль-bemol белгиси нотанинг олдида турса, товушнинг бир тон пасайганини курсатади.

5. Кутариш ёки пасайтириш белгиларини (#, x, ♭, ♯♯) бекор қилиш учун маҳсус ♯ – bekar белгиси ишлатилади. Шундай қилиб, асосий товушларнинг олдига альтерация белгилари: диез, dubль-диез, bemol, dubль-bemol, bekar қўйилганда¹ бу товушларнинг баландлиги ўзгариб, улар асосий товуш ва альтерация белгиларига қараб маҳсус номлар билан аталади. Масалан:

ДО-диез ДО-бемоль ДО-дубль-диез ДО-дубль-бемоль ДО-бекар


¹ Альтерация белгилари, одатда, нотанинг чап томонига, нотага ёндош қилиб ёзилади. Калитнинг ёнига қўйилганда эса унинг ўнг томонига ёзилади.

Товушлар ўз баланд-пастлигидан ташқари бир-бирларидан чўзими (узун-қисқалиги) билан ҳам фарқ қиласи.¹ Товушларнинг чўзими нота йўлига ёзиладиган ноталарнинг турли шакллари билан белгиланади.

Бутун нота – нота йўлига думалоқ доира шаклида (ўртаси бўш қолдирилиб) ёзилади. Бу думалоқ нота шартли тўрт саноқ билан ўлчанади.




Ярим нота – доира шаклида (ўртаси бўш қолдирилиб), пастга ёки юқорига бир тўғри қўшимча чизиқ тортилиб ёзилади. Бу нота шартли икки саноқ билан ўлчаниб, чўзими бутун нотага қараганда икки баравар қисқа бўлади.




Чорак нота – қора нуқта шаклида, пастга ёки юқорига бир тўғри қўшимча чизиқ тортилиб ёзилади. Унинг чўзими ярим нотадан икки марта, бинобарин, бутун нотадан тўрт марта қисқа бўлади.



Нимчорак (ёки саккизталик) нота – қора нуқта шаклида, пастига ёки юқорисига бир таёқча (байроқча) қушилиб ёзилади, унинг учи қайрилган бўлади. Икки ёки бир неча нимчорак нота бир тўдага жамлаштирилганда уларнинг қайрилган байроқчалари ўнига таёқчаларни бирлаштирувчи қуюқ чизиқчалар тортилади. Нимчорак нотанинг чўзими чорак нотанинга қараганда икки баравар қисқа бўлади.



Ўн олтиалик нота – чўзими чорак нотага қараганда тўрт марта, нимчорак нотага қараганда икки марта қисқа бўлиб, қуйидагича ёзилади.



Чўзими янада қисқа бўлган ноталар (ўттиз иккиталик, олтмиш тўртталик) амалда жуда кам учрайди, шунинг учун улар устида тўхталиб ўтирамаймиз.

Ўттиз иккиталик, олтмиш тўртталик ноталар:



¹ Булар: бутун, яримталик, чоракталик, нимчоракталик, ўн олтиалик, ўттиз иккиталик, олтмиш тўртталик ноталардир.

Товуш чўзимини ошириш учун амалиётда товушлар чўзимини узайтирувчи учта белги: лига, нуқта, фермата кўлланилади.

1. Лиға ёки ёй бир хил баландликдаги қўшни товушларни бирлаштириб туради ва уларнинг тўхтовсиз чўзилиб туришини билдиради. Бундай ҳолларда ноталарнинг умумий чўзими уларнинг умумий ўлчов миқдорига тенг бўлади.



2. Нуқта (.) нотанинг ўнг томонига қўйилиб, шу нотанинг асосий чўзимини ярим баравар ошганини билдиради.




Баъзан икки нуқталик ноталар ҳам учрайди, бундай ҳолда чўзим биринчи нуқтанинг ярмига тенг равишда ошади.



3. Фермата белгиси ёки нотанинг устига ёки остига қўйилиб, товуш чўзимининг истаган миқдорда оширилишини билдиради. Бундай ҳолларда товуш чўзими асарнинг характеристига ёки ижрочининг дидига боғлиқ бўлади.

Чалиш пайтидаги тўхтовлар пазалар деб аталади. Паузаларнинг номлари ва чўзими асарларнинг номлари ва чўзимига ўхшаш бўлади.



Нуқта ва ферматалар паузаларни чўзишда ҳам ишлатилади. Паузанинг ўнг томонига қўйилган истаган миқдорда оширилишини кўрсатади.

Ҳар қандай мусиқа асарида ҳам баъзан кучли, баъзан кучсиз чалинадиган пайтлари учрайди. Чалинадиган пайтлар акцент ёки кучли ҳисса деб аталиб,nota ёзувида > а к ц е н т белгиси кўрсатилади. Акцентларнинг бир хил қайтарилиб турилиши натижасида биз мусиқа асарини қанча тенг (вақт жиҳатидан) тўдаларга (қисмларга) бўлишимиз мумкин.

Ҳар бир ана шундай тўда ичидаги товушларнинг умумий чўзими бир хил бўлади. Бу бўлинмалар (қисмлар) тактлар деб аталиб, nota йўлида вертикаль чизиклар, яъни такт чизиклари билан кўрсатилади.

Ҳар бир мусиқа асарининг бошланишида нота йўлига (калитдан кейин) тектнинг ўлчови кўрсатилиб қўйилади. Тектнинг ўлчови каср сон билан ёзилиб, (масалан $\frac{2}{4}$; $\frac{3}{4}$; $\frac{4}{4}$; $\frac{3}{8}$; $\frac{6}{8}$; $\frac{7}{8}$ ва ҳоказо) маҳражи тектнинг қанчага бўлинганини, сурати эса шу бўлакларнинг қанчаси олинганини кўрсатади. $\frac{4}{4}$ ва $\frac{2}{2}$ ўлчовлари маҳсус белгилар билан қўрсатилиши мумкин. Масалан, $\frac{4}{4}$ ўлчови С белгиси билан, $\frac{2}{2}$ ўлчови Ф белгиси билан юритилади.

Ўлчовлар уч хил: оддий, мураккаб ва аралаш бўлади.

Ҳар тектда битта кучли зарб ва иккита, учта ёки бир неча кучсиз ҳисса бўлса, бундай ўлчов оддий ўлчов деб аталади. Оддий ўлчовлардан намуналар:

Бир неча оддий ўлчовлардан иборат бўлган, бинобарин, икки ва ундан ортиқ кучли ҳиссага (акцентга) эга бўлган ўлчовлар мураккаб ўлчовлар деб аталади. Кучли ҳиссаларнинг сони бир мураккаб ўлчовни ташкил этувчи оддий ўлчовларнинг сонига teng бўлади. Тектдаги биринчи акцент кейингиларига қараганда кучлироқ бўлади.

Мураккаб ўлчовлардан намуналар:


Оддий, мураккаб ўлчовлардан иборат бўлган ўлчовлар аралаш ўлчовлар деб аталади.

Ҳар бир мусиқа асари ўзига хос усулага эга. Мусиқа чўзимлари ва акцентларининг teng тўдаларга булиниб тақорланишига усул (ритм) дейилади.

Ўқишни осонлаштириш ва ноталарни яққол кўрсатиш учун тектлар тўдаларга бўлинади. Бунинг натижасида тектдаги кучли ва кучсиз ҳиссаларни ажратиш осонлашади. Ҳар бир тект тўдасининг умумий чўзими тектдаги ҳиссаларнинг сонига teng бўлади. Тектдаги тўдаларнинг сони эса тектдаги ҳиссаларнинг сонига баравардир.

Тўда бир неча жуфт ва тоқ ҳиссалардан иборат бўлиши мумкин. Ритмларга бўлишнинг маҳсус тури – чўзимларни ихтиёрий равишда бир қанча бир хил тоқ қисмларга бўлишdir. Бундай ҳолда бу қисмлар асосий бўлакларнинг сонига teng бўлмайди.


Агар чўзим учта тенг қисмга бўлинса, триоль ишлатилганда тўдаларнинг усти ёки остига рақами ёзилади:



Агар чўзим беш қисмга бўлинса, квантоль ҳосил бўлади. Агар чўзим олти қисмга бўлинса, сектоль, етти қисмга бўлинса, септолъ ва ҳоказо бўлинишлар ҳосил бўлади.

РИТМИК ҲОЛАТЛАРНИНГ НОМЛАНИШЛАРИ ВА КЎРИНИШЛАРИ

2-дуоль (Andante)




3-триоль (Allegretto)



4-квартоль (Moderato)



5-квантоль (Adagio)




6-сектоль (Allegro moderato)



7-септолъ (Moderato)



8-октоль (Moderato)



9-нонэмоль, 10-декимоль ва ҳоказо.

Баъзи мусиқа асари ёки унинг бирорта бўллаги тўлиқ бўлмаган такт билан бошланиши мумкин. Ана шундай тўлиқ бўлмаган такт з а т а к т (такторти) деб аталади. Асар охирида ёки унинг бирор бўллагида шунга ўхшаш чўзим ҳиссаси етишмаслиги ҳам мумкин.



Такт тўдасига кучли ҳиссанинг тактдаги кучсиз ҳиссага кўчирилиши синкопа деб аталади.



Безак (мелизм, қочирим) белгилари форшлаг, трель, мордент, группетто, кашиш (глиссандо) кабилардир.

Мелодик безашликнинг бир тури форшлаг белгиси (мелизм) деб аталади. Форшлаг ўзидан аввалги товуш ҳисобига чалинадиган бир ёки бир неча жуда қисқа товушлардан иборат бўлади. Форшлаг кичик ноталар билан ифодаланади. Агар форшлаг биргина нотадан иборат бўлса, унинг байроқчаси ўртасидан чизиқча ўтказилади:



Агар форшлаг бир неча нотадан иборат бўлса, улар битта қуюқ чизиқчалар билан бирлаштирилади:



Асосий товушлар билан юқориги қўшимча товушларнинг бир текисда тез алмасиб туришига трель деб айтилади, трель tr белгиси билан ифодаланади. Трелнинг чўзими – устига трель белгиси қўйилган нотанинг чўзимига баравар. Трель белгисининг устига альтерация белгиси ҳам қўйилиши мумкин. Бундай ҳолларда альтерация белгиси қўшимча товушга алоқадор бўлиб, трелнинг бошидан охиригача ўз кучини сақлади.



ПАРДА (ЛАД) ҲАҚИДА УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР

Куйнинг таъсирчанлигини ошириш мақсадида мусиқа асаридаги товушлар маълум бир тартибга солинади. Бу тартиб товушларнинг баланд-пастлиги ва бир-бири билан бўлган ўзаро муносабатига асосланади. Бу тартибга кирувчи товушларнинг бир қисми барқарор (устойчивый) товушлардан иборат бўлиб, улар таянч вазифасини ўтайдилар. Товушларнинг иккинчи қисми беқарор (неустойчивый) товушлар бўлиб, улар мусиқий фикрнинг туталланмаганлигини билдиради.

Туталликни англатувчи барқарор ва таянчли товушлардан бири тоника деб аталади. Барқарор товушларнинг хислати шундан иборатки, улар таянчли товушларга қараб интиладилар. Бу интилиш товушларни тартибга солишида, уларни ўзаро боғлаб туришда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бекарор товушларнинг барқарор товушларга айланиши е ч и м (разрешение) деб аталади.

Шундай қилиб, тоника ёрдамида бир тартибга тушадиган баланд товушларнинг ўзаро боғланиши парда деб аталади. Пардани ташкил этувчи товушлар сони, одатда, чекланган бўлади. Аксарият пардаларда еттига товуш бўлади, лекин шу билан бир қаторда, товушлари еттидан ортиқ ва кам бўлган пардалар ҳам учрайди.

Энг кўп тарқалган пардалар – м а ж о р в а м и н о р пардалари.

Биргаликда мажор учтовушлиги (трезвучие)ни ташкил этувчи учта барқарор товуш пардадаги барча бекарор товушларни ечса (барқарор товушларга айлантирса), бундай парда м а ж о р п а р - а с и деб аталади.

ЛАД БОСҚИЧЛАРИ:



ҚАДИМИЙ ЮНОН ЛАДЛАРИ

Қадимий юон мусиқий ладлари юон олимлари томонидан ўрганилиб, тартибга келтирилган. Ладлар қадимий юон қабилалари номига қўйилган – энг муҳимлари: дорий, фригий, лидий, миксолидий ва бошқалардир.

1. Ионий лади – соф мажор товушқатори билан teng бўлган лад.

a)

I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII(I)	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII(I)
---	----	-----	----	---	----	-----	---------	---	----	-----	----	---	----	-----	---------

b)

1	2	3	4	5	6	7	8	1	2	3	4	5	6	7	8
---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

2. Дорий лади – соф минор ладидан олтинчи босқичининг кўтарилиши билан ажралиб туради; ДО мажор ладининг иккинчи босқичидан бошланадиган товушқаторига тўғри келади.

a)

1	2	3	4	5	6	7	8
---	---	---	---	---	---	---	---

b) II

1	2	3	4	5	6	7	8
---	---	---	---	---	---	---	---

3. Фригий лади – а) табиий минор ладидан иккинчи босқичининг пасайтирилиши билан ажралиб туради; ДО мажор ладининг учинчи босқичидан бошланадиган товушқаторига тўғри келади.

a) II

1	2	3	4	5	6	7	8
---	---	---	---	---	---	---	---

b) III

1	2	3	4	5	6	7	8
---	---	---	---	---	---	---	---

4. Лидий лади – а) табиий мажор ладидан тўртинчи босқичининг кўтарилиши билан ажралиб туради; ДО мажор ладининг тўртинчи босқичидан бошланадиган товушқаторига тўғри келади.

a) IV

1	2	3	4	5	6	7	8
---	---	---	---	---	---	---	---

b) IV

1	2	3	4	5	6	7	8
---	---	---	---	---	---	---	---

5. Миксолидий лади – а) табии мажор ладидан еттинчи босқичининг пасайтирилиши билан ажралиб туради; б) ДО мажорнинг бешинчи босқичидан бошланадиган товушқаторига тұғри келади.

a)

b)

6. Эолий лади – а) соф минор товушқатори ладига тенг лад; б) ДО мажор ладининг олтинчи босқичидан бошланадиган товушқаторига тұғри келади.

a)

b)

7. Локрий лади – а) оддий минор ладидан иккинчи ва бешинчи босқичларини пасайтирилиши билан ажралиб туради; б) ДО мажор ладининг еттинчи босқичидан бошланадиган товушқаторига тұғри келади.

a)

b)

ГАММАЛАР ВА ТОНАЛЛИКЛАР

Парда товушқаторларидаги барча товушларнинг тоникадан бириң-кетин юқорилашиб ёки пастлашиб боришига г а м м а (товушлар жами) дейилади.

Гаммадаги қаралтынан тартиби равища рим рақамлари билан ифода этилади. Гаммада 7 та босқич бор. Гаммадаги саккизинчи нота кейинги октавадаги бириңчы товуш булиб, гаммадаги дастлабки товушнинг қайтарилишидир. Шунинг учун ҳам у VIII ва I рақамлари билан ифодаланади. Гамманинг I босқичи тоналика деб аталади. Гамма тузиш учун истаган босқичдан тоникани танлаб олиш мүмкін. Аммо бунда у ёки бу пардадаги бутун ва ярим тоналарнинг тартиб билан алмашиб кетилишига қатыйриоя қилиш керак. Тоника ва пардага қараб гамманинг тонындыктын номи аниқланади. Парданинг паст-баландлық ҳолати тоналика деб аталади.

Гаммалар пардаларига қараб мажор ва минор гаммаларга булинади.

Барча мажор гаммалардаги бутун ва ярим тоналарнинг босқичлар бүйічә жойланиш тартиби күйидеги:

1, 1, 0,5; 1, 1, 1, 0,5. (тон, тон, ярим тон; уч тон, ярим тон.)

Табии минор гаммасидеги тартиб күйидеги:

1, 0,5; 1, 1, 0,5; 1, 1. (тон, ярим тон; тон, тон, ярим тон; тон, тон.)

Мусиқа амалиётида табии минордан ташқари мелодик ва гармоник минор ҳам учрайди, мелодик минор гамманинг юқорига құтарилиш пайтида VI–VII босқичлар құтарилиб, пастга қараб тушишида эса минор гамма аслича ҳолида қолади.

VI VII VII VI

1 т. 0,5 т. 1 т. 1 т. 1 т. 0,5 т. 1 т. 1 т. 0,5 т. 1 т. 1 т. 0,5 т. 1 т.

Гармоник минор гамманинг юқориги ва пастки ҳаракати пайтларидан VII босқич құтарилилган ҳолатда бўлади.

VII VII

1 т. 0,5 т. 1 т. 1 т. 0,5 т. 1,5 т. 0,5 т. 0,5 т. 1,5 т. 0,5 т. 1 т. 1 т. 0,5 т. 1 т.

Мажор ва параллел минор тоналликлари:

До мажор	ля минор	До мажор	ля минор
Соль мажор	ми минор	Фа мажор	ре минор
Ре мажор	си минор	Си-бемоль мажор	соль минор
Ля мажор	фа-диез минор	Ми-бемоль мажор	до минор
Ми мажор	до-диез минор	Ля-бемоль мажор	фа минор
Си мажор	соль-диез минор	Ре-бемоль мажор	си-бемоль минор
Фа-диез мажор	ре-диез минор	Соль-бемоль мажор	ми-бемоль минор
До-диез мажор	ля-диез минор	До-бемоль мажор	ля-бемоль минор

ИНТЕРВАЛЛАРНИНГ НОМЛАРИ ВА ТУРЛАРИ

Олдинма-кетин ёки баравар келган икки товушнинг баланд-пастлик тафовути интревал ёки товушлар оралиғи деб аталади.

Интерваллар ўз ҳажмига қараб босқичлик ва тонлик (куй ҳолидаги) интервалларга бөлінеді.

Босқичлик интервал деб, шу интервалга кирудынг босқичларнинг йиғиндисига айтилади. Октавага кирудынг босқичли интерваллар сакқизта бўлиб, улар: прима (унисон), секунда, терция, кварта, квинта, секста, септима, октава ва бошқалардан иборат.

Тонлик интервал деб, шу интервалга киругчи бутун ва ярим тонларнинг йифиндисига айтилади. Тонлик интервалларнинг ҳажми сифат билан белгиланади: соф, катта, кичик, орттирилган, камайтирилган ва ҳоказо.

Куйидаги интерваллар, айниқса, кўп қўлланилади:

ПРИМА ЁКИ УНИСОН




СЕКУНДА

кичик	
катта	


ТЕРЦИЯ

кичик	
катта	

СОФ КВАРТА



СОФ КВИНТА




СЕКСТА

кичик	
катта	

СЕПТИМА

кичик	
катта	

СОФ ОКТАВА



Турли босқичлардан хоҳлаган интервални тузиш мумкин.

АККОРД ВА УЧТОВУШЛИК

Терция асосида тузилган ёки шу асосда тузилиши мумкин бўлган уч ва ундан ортиқ товушнинг бирданига чалинишига а к кор д (товушлар жамламаси) дейилади.

Учта товушдан иборат бўлган аккорд учтовушлик деб аталади¹. Учтовушликнинг асосий турларидан мажор ва минор учтовушликлари ҳосил бўлиб, улар катта, кичик терциялардан тузилиши билан бир-биридан фарқ қиласди.


Мажор учтовушлик пастки катта, юқориги кичик терциялардан иборатdir.

ДО мажор учтовушлиги



Минор учтовушлик эса пастки кичик, юқориги катта терциялардан иборатdir.

ЛЯ минор учтовушлиги



Камайтирилган (иккита кичик терция) ва орттирилган (иккита катта терция) учтовушлик турлари ҳам мавжуд. Аккорд товушлари бирданига чалинмай, бирин-кетин (одатда, пастдан юқорига қараб) чалиниши ҳам мумкин. Аккорднинг бундай чалинишига а р п е д ж и о дейилади. Арпеджио ў сўзнинг ўзини ёзиш ёки ҳар бир аккорднинг олдига вертикаль тўлқинсимон эгри чизиқ чизиш билан кўрсатиб қўйилади.



ТЕМПЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЁЗИЛИШИ

Бирон-бир мусиқа асарини ёки унинг бирон қисмини ижро этиш тезлиги ва характеристига темп дейилади². Темпларнинг номи асарнинг бошига,nota йўлининг устига ёзилади.

Кўп қўлланиладиган асосий темплар қўйидагилардан иборат:

Largo	— лярго	— жуда чўзиб чалинади (энг оғир темп).
Lento	— ленто	— секин-аста, чўзиб.
Adagio	— адажио	— оғир-вазмин, салмоқли.
Andante	— анданте	— секин-аста, шошмасдан.
Andantino	— андантино	— андантедан тезроқ.
Moderato	— модерато	— шошилмай (урта тезликда, мулойим).
Allegretto	— аллегретто	— бир қадар тезроқ, жонлирок.
Allegro	— аллегро	— жадал, хушчақчақ.
Vivace, vivace	— виво, виваче	— жаҳд-жадал билан.
Presto	— престо	— тез.
Prestissimo	— престиссимо	— жуда тез.

Мусиқа назариясида тўрт хил учтовушликлар мавжуд: мажор, минор, орттирилган, камайтирилган.

Мусиқий ижрочилик амалиётида уч хил темп(суръат)лар қўлланилади. Булар: тез, ўртача, мулойим, вазмин (вазмин) темплар.